

# **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

## **ЎЗБЕКИСТОНДА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

*Караматова Ноиба Ҳуснитдиновна  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
мустақил изланувчиси  
Email:  
noibakaramatova@gmail.com  
ORCID: 0009-0001-1539-2911*

Республикамизда аудиторлик фаолиятининг мустаҳкам норматив-хуқуқий базасини яратиш мақсадида кўплаб қонун хужжатлари яратилганлигига қарамасдан ҳанузгача аудиторлик касбининг айrim жиҳатларини жумладан, аудиторлик касбининг ахлоқий меъёрларини тартибга солувчи давлатнинг қонун чиқарувчи ёки ижро этувчи органлари томонидан тасдиқланган бирор расмий меъёрий хужжат ишлаб чиқилмаган. Бу борада фақатгина 2005 йил 26-августда Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси ва Ўзбекистон аудиторлар палатаси томонидан тавсия характеридаги “Ўзбекистон аудиторларнинг касбга оид ахлоқ Кодекси”ишлиб чиқилган. Республика аудиторлик ташкилотларида ўtkазилган таҳлиллар натижасида амалиётда мазкур Кодекс тавсиявий характерга эга еканлиги, Кодексда ахлоқий меъёрлар моҳияти тўлиқ очиб берилмаганлиги ва уни давлат органлари томонидан қатъий риоя этилувчи хужжат сифатида тасдиқланмаганлиги сабабли ушбу Кодексга амалиётда етарлича риоя этилмаяпи.

Бизнингча, аудиторларнинг касбга оид хулқ-атвор меъёрларини тартибга солувчи давлатнинг қонун чиқарувчи ёки ижро этувчи органлари томонидан расмий тасдиқланган муайян норматив-хуқуқий хужжат ишлаб чиқиши зарур, деб ҳисоблаймиз. Бу борада фикримизча, Америка қасамёд қилган бухгалтерлар институти(AICPA)нинг “Касбий этика асослари” номли концепциясидан фойдаланган ҳолда такомиллашган Ўзбекистон аудиторларининг касбга оид ахлоқ Кодексини ҳам ишлиб чиқиши зарур деб ҳисоблаймиз. Бугунги Ўзбекистон амалиётида аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизими қуйидаги тўрт поғоналардан иборат бўлиб, мазкур поғоналар таркиби қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга  
солиши  
тизими поғоналари таркиби<sup>1</sup>**

Поғоналар сони	Поғоналар номи	Поғона таркибига кирувчи норматив-хуқуқий хужжатлар
I поғона	Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун	Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сон Қонуни

<sup>1</sup> Muallif tomonidan ishlab chiqilgan.

# BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

<b>II погона</b>	Аудиторлик фаолиятига доир қонуности хужжатлари	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 августдаги “Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5210-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 171-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 майдаги “Ички аудит хизмати ходимларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сон Қарори, 2021 йил 24 сентябрдаги “Аудиторнинг малака сертификатини малака имтиҳонини топширмасдан бериш ва муддатини узайтириш учун асос бўладиган бухгалтерларнинг халқаро сертификатлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 56-сон буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазиригининг 2018 йил 14 ноябрдаги “Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин куролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб бўйича ички назорат Қоидалари 145-сон буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Молия вазиригининг 2013 йил 9-сентябрдаги 83-сон “Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумот шакли ва уни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи
<b>III погона</b>	Аудит стандартлари ва аудиторлик фаолиятини тартибга солиш бўйича услубий кўрсатмалар ҳамда тушунтиришлар	Халқаро бухгалтерлар федерацияси (IFAC) томонидан ишлаб чиқилган аудитнинг халқаро стандартлари (International standards of auditing), Америка қасамёд қилган бухгалтерлар институти (AICPA) стандартлари, ички аудиторлар институти (Institute of internal Auditors) стандартлари, AICPAning «Касбий этика асослари» кодекси, Ўзбекистон аудиторларнинг касбга оид ахлоқ кодекси ва бошқа аудитга оид норматив-хуқуқий хужжатлар
<b>IV погона</b>	Аудиторлик ташкилотларининг ички стандартлари	Аудиторлик ташкилотларининг ички стандартлари

Фикримизча, аудиторлик текширувани сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун аудиторлик назорати қўйидаги уч босқич асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

- 1.Режалаштириш босқичи;
- 2.Текшириш босқичи;
- 3.Якуний босқич.

Аудиторлик назоратининг юқорида келтирилган босқичлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунига мувофиқ аудитнинг халқаро стандартларида

## **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

белгиланган мажбурий талабларга асосан ўтказилиши белгиланган. Ўз навбатида, аудитнинг юқоридаги босқичларини сифатли ва самарали амалга оширилишини таъминлаш учун эса уни ўтказиш услугиятини такомиллаштириш талаб этилади. Жумладан, фикримизча, бугунги кунда аудитнинг бундай услугий масалалари таркибига бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолияти бўйича амалдаги меъёрий-хуқуқий хужжатлар талабларининг аудиторлик амалиётида талаб даражасида қўлланилмаётганлиги, амалдаги меъёрий-хуқуқий хужжатлар ва Республика из ҳамда хориж олимлари илмий тадқиқотларида аудит босқичларининг услугий жиҳатлари тўлиқ ва аниқ баён этилмаганлиги, аудиторлик текшируви натижаларини аудит иш хужжатларида умумлаштириш, баҳолаш ва тақдим этиш жараёнининг амалдаги талабларга жавоб бермаслиги, аудит иш сифатини назорат қилиш ва аудиторлик ташкилоти фаолият самарадорлигини баҳолаш услугиятини халқаро стандартлар талаблари даражасида ишлаб чиқилмаганлиги, миллий аудит стандартлари талабларини аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи бошқа меъёрий хужжатлар ва халқаро стандартлар ёки илгор хориж тажрибаси талабларига мос келмаслиги, аудиторлик ташкилотларида халқаро стандартлар асосида аудиторлик текширувини ташкил этиш ва ўтказиш амалиётининг талаб даражасида эмаслиги қаби масалаларни киритиш мумкин.

Бугунги кунда аудиторлик назорати молиявий назорат тизимининг ажралмас қисмига айланди. Молия тизимини изчил ислоҳ қилиш ва бозор инфратузилмасини такомиллаштириш натижасида Республикада аудиторлик фаолиятининг мустаҳкам меъёрий-хуқуқий асослари яратилди. Ўз навбатида уни ривожлантиришни жадаллаштириш мақсадида таъсирчан иқтисодий омиллар ҳамда солиқ имтиёзлари ва преференциялари қўлланилмоқда, аудиторлик фаолиятини амалга оширишга лицензиялар бериш тизими жиддий равишда соддалаштирилди ва еркинлаштирилди. Бирок, аудиторлик амалиётида корхона активлари аудитини, хусусан асосий воситалар аудитини ўтказишнинг аниқ тартиб-қоидлари ва унда эъттибор қаратилиши лозим бўлган асосий жиҳатлар мазмун-моҳиятини очиб бериш ва уни таҳлил қилиш бугунги кундаги ўрганилиши долзарб бўлган масалалардан саналади. Шунингдек, ҳозирги пайтда аудиторлик амалиётида аудиторлик текширувларини режалаштириш, ўтказиш ва текширув натижаларини умумлаштириш жараёнида ўз ечимини кутаётган қатор муаммоларни бартараф этиш, уларнинг назарий ва услугий асосларини такомиллаштириш долзарб илмий муаммолардан саналади.

Иzlанишлар натижасида аудиторлик фаолиятини ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солиш бўйича амалдаги норматив-хуқуқий хужжатлар ҳамда илмий тадқиқотларда текширувни ташкил этиш ва ўтказишга умумий жиҳатдан ёндашилганлиги, аудиторлик текширувини амалга ошириш босқичлари ёки текширувда бажариладиган аудиторлик

# **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

амалларини бажаришда илғор хориж тажрибаси ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ бажаришда ҳали етарлича муаммолар мавжуд бўлиб, уларни бартараф этиш ва аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш бўйича тадқиқотларни кўпайтириш зарур. Юқоридаги масалаларга аниқлик киритиш мақсадида мақолада аудиторлик текширувини З номдаги босқичларда бажариладиган амаллар орқали амалга оширилиши тавсия этилди.

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон қарори. <http://lex.uz/docs/3914502>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сонли Фармони. <https://nrm.uz/>;
3. Дусмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт: монография. – Т.: Молия нашриёти, 2007. – 276 б.
4. Самадова Н.Р. Хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий салоҳияти тушунчаси ва унинг назарий асослари. // Бизнес эксперт (илмий-амалий журнал). – Тошкент, - №4. 2021. – 87-91 б. (08.00.00; №4)
5. Самадова Н.Р. Хўжалик юритувчи субъектларда иқтисодий салоҳиятни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг амалий жиҳатлари // Scientific Journal of “International Finance & Accounting” 3/2023.
6. Ibragimov Gayratjon Artikovich. (2023). DIGITAL ECONOMY AND CHANGES IN BUSINESS ANALYSIS. International Journal of Research in Finance and Marketing (IJRFM), 13(12), 47-52. Retrieved from https://euroasiapub.org/wp-content/uploads/IJRFM4Dec2023-Uzb.pdf
7. Ibragimov Gayratjon Artikovich, Kurbanbaev Jurabek Eruvbayevich, Mukhiddinova Barno Gafurjanovna. (2019). The main differences between IFRS and NSA. International Finance and Accounting, 3(13), 1-12. Retrieved from <https://core.ac.uk/download/pdf/285998049.pdf>
8. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2022). ISSUES OF PRODUCT PRICING IN THE ANALYSIS OF OPERATIONAL. Пандемия шароитида иқтисодиёт, молия ва бошқарувда рақамли трансформация жараёнлари (IV ФОРУМ «ЭКОНОМИКА В МЕНЯЮЩЕМСЯ МИРЕ» 2022 май КАЗАНЬ-ТАШКЕНТ), Казань-Ташкент. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6641015>
9. Ibragimov Gayratjon Artikovich. (2023). DIGITALIZATION OF THE ECONOMY AND OPERATIONAL SAFETY. International Journal of Research in Economics and Social Sciences(IJRESS), 13 (11), 95-101. Retrieved from <https://euroasiapub.org/wp-content/uploads/IJRESS10-Nov2023-Uzb.pdf>
10. Қличев Баҳтиёр Пардаевич. (2023). ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ОПЕРАЦИОН ЦИКЛ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 16(1), 196–203. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2718>
11. Ibragimov Gayratjon Artikovich. (2024). EKSPORT-IMPORT OPERATSIYALAR HISOBI NAZORATINI TAKOMILLASHTIRISH YO'NALISHLARI .

# **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

World Scientific Research Journal, 23(2), 215–222. Retrieved from  
<http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrij/article/view/3034>

12. Gayratjon Ibragimov. (2024). TIJORAT BANKLARIDA MBMB TIZIMINI JORIY ETISH MASALALARI . World Scientific Research Journal, 23(2), 223–230. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrij/article/view/3035>

13. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2023). ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТ ТАХЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 12(2), 263–271. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrij/article/view/2557>

14. Пардаевич, К. Б. (2023). Хўжалик юритувчи субъектларда операцион фаолиятида ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting",* (2), 2181-1016.

15. Ibragimov Gayratjon Artikovich. (2024). MUQOBIL IQTISODIYOTNI SHAKLLANTIRISH: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR . World Scientific Research Journal, 23(2), 231–238. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrij/article/view/3036>

16. Тулаев, М. С., & Кличев, Б. П. (2022). ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА КОРПОРАТИВНЫХ ОБЛИГАЦИЙ: ОБЯЗАТЕЛЬСТВО ИЛИ КАПИТАЛ. In Учет, анализ и аудит: их возможности и направления эволюции (pp. 146-154).

17. Ibragimov Gayratjon Artikovich. (2024). BIZNES JARAYONLARNI OPTIMALLASHTIRISH YO'NALISHLARI . World Scientific Research Journal, 23(2), 239–246. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrij/article/view/3037>

Кличев Бахтиёр Пардаевич. (2023). ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ. World Scientific Research Journal, 21(1), 182–188. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrij/article/view/2876>